3 1 1 2 9 3

ВАТАНПАРВАР

УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИНИНГ МАРКАЗИЙ ОРГАНИ
● 1993 йил, 8 июнь, сешанба № 87 (220) ● Нархи 8 сўм.
Газета 1992 йилнинг июнь ойидан чиқа бошлаган

ЦЕНТРАЛЬНЫЙ ОРГАН МИНИСТЕРСТВА ОБОРОНЫ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН
● Вторник, 8 июня 1993 г. № 87 (220) ● Цена 8 руб.
Газета издается с июня 1992 г.

СЕГОДНЯ НАЧИНАЕТ РАБОТУ СЕМИНАР-СОВЕЩАНИЕ ОРГАНОВ ПО РАБОТЕ С ЛИЧНЫМ СОСТАВОМ

ЧИТАЙТЕ В НОМЕРЕ:

1 ЖОНАЖОН ЎЗБЕКИСТОНИМИЗГА ХИЗМАТ ҚИЛАМИЗ!
2 УЛУҒ МАҚСАДЛАР ЙЎЛИДА
3 ПОЗНАВАЯ ИСТОРИЮ, РОДНОГО КРАЯ
4 НОРМЫ КУЛЬТУРНОГО ПОВЕДЕНИЯ

ПРАКТИКА ОРГАНИЗАТОРСКОЙ РАБОТЫ: СОДЕРЖАНИЕ, ДЕЙСТВЕННОСТЬ

ШАГИ ПЕРВЫЕ, УВЕРЕННЫЕ

Советы воинских коллективов призваны стать надежными помощниками командования

● М. АЛЕКСАНДРОВ

В первых числах апреля в части, где служит подполковник С. Черепанов, начала, как говорится, работать продуманная инициатива.

Суть ее — обеспечить соответствующую возможность для более широкого вовлечения общественности части в процесс воспитания военнослужащих в духе четкого выполнения требований законов, указов Президента нашей республики, постановлений Верховного Совета и Кабинета министров Узбекистана, приказов командиров и начальников. С учетом этого в части разработали Положение о Совете воинских коллективов. (Текст его опубликован в газете «Ватанпарвар» за 1 июня с. г.).

Полагаю, как и многие читатели «Ватанпарвара», я внимательно ознакомился с проектом этого положения. Встречался недавно с солдатами, сержантами, прапорщиками и офицерами воинского коллектива, о котором речь. И от многих собеседников слышал: видится в намеченном перспективная работа.

Что имеется в виду?

Воинское воспитание, как правило, всегда строилось на непреходящих ценностях, таких как честь, воинский долг, любовь к Родине. Положением о Совете воинского коллектива, в его IV разделе, это предусматривается. Стало быть, ориентировка в данном случае — дальновидная. По душе и то, что конкретизируются в Положении цели воспитательной работы, определяется система их достижения.

Таким образом, умело опираясь и направляя силу армейской общественности, командиры, их заместители по работе с личным составом получают дополнительные возможности для мобилизации подчиненных на повышение в первую очередь качества боевой и общественно-политической подготовки, поддержания постоянной боевой готовности, укрепления воинской дисциплины, организованности и правопорядка.

Далее. Проект Положения предусматривает, что «главная цель Совета воинского коллектива — создание условий для всестороннего развития молодого воина, раскрытие его творческого потенциала в интересах службы, мобилизация членов воинского коллектива на образцовое выполнение своего воинского долга, активное участие в общественной жизни, предупреждение «дедовщины», «землячества», фактов унижения личного достоинства, морального притеснения военнослужащих».

Думается, это — принципиальная позиция. Объективность, готовность к блокированию и нейтрализации вредных для армейской среды явлений, взглядов, привычек, которые могут привноситься в воинские коллективы со стороны, способность высказать человеку правду и твердо ее отстаивать — надежный инструмент влияния Совета воинского коллектива на военнослужащих.

Советам предоставлены в части и немалые права...

Практически два месяца прошло с начала эксперимента. Из них очень много сил и времени ушло на подготовку и сдачу весенней проверки. Тем не менее к намеченному здесь идут последовательно. Избраны Советы в ротах и батальонах. Их численность, как и предусмотрено в проекте, 3—5 в ротах, 7—9 в батальонах. Избирались открытым голосованием на общих собраниях солдат и сержантов сроком на один год.

Члены Советов уже приступили к работе. Так, например, в ходе проведения увольнения в запас военнослужащих, выслуживших установленные сроки службы, Совет, который возглавляет сержант И. Исманлов в подразделении, где заместителем командира по работе с личным составом капитан Ф. Шарафутдинов, уже выступил с ходатайством перед командованием, как это и предусмотрено проектом, об установлении очередности увольнения в запас. И к его мнению прислушались.

В общем, практика показывает, что такая форма работы, как Советы, безусловно, заслуживает самого пристального внимания. Способна она заметно стимулировать общественную активность военнослужащих, направлять ее в нужное русло.

Независимость суверенного Узбекистана защищают его сыновья, истинные патриоты.

Фотоколлаж А. МАНТРОВА.

Тарбиявий ишлар самарадорлиги ортмоқда

экспресс-мусоҳаба иштирокчиларининг бунга ишончлари комил

● Ж. ЗОБИТОВ, «Ватанпарвар» мухбири

Мавжуд бўлган нарсаларнинг барчасини тубдан яксон қилиб, улар ўрнида бошқатдан «ёрқин» жамият қуриш сингари бетартибликни вужудга келтириш мумкин эмас. Ўзбекистон Республикаси вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил сентябрь ойидаги Қарорига мувофиқ Қуролли Кучларимизда командирлар (раҳбарлар)нинг шахсий таркиб билан ишлаш бўйича ўринбосарлари институти (жамият томонидан белгиланган ва қонда тусини олган тартиблар)нинг жорий қилиниши бу масалага оқилона ёндашилганлигидан далолат беради.

Номи тилга олинган мазкур институтнинг асосий вазифалари қуйидагича белгиланган:

— шахсий таркибда Ўзбекистон Республикасига, ўз халқига, ҳарбий Қасамёди ва ҳарбий бурчига содиқликни шакллантириш;

— ҳарбий хизматчиларни Қонунлар талабларини, Президентимиз Фармонларини, Олий Кенгаш ва ҳукумат Қарорларини, командирлар ва раҳбарлар буйруқларини сўзсиз бажариш руҳида тарбиялаш;

— юксак жанговарлик ва маънавий - руҳиятлилик сифатларни ҳосил қилиш;

— қурол-аслаҳа ва жанговар техникани, ҳарбий мулк ва халқ мулкини авайлаб-асрашга нисбатан масъулиятли қилиб тарбиялаш.

Мана, бугун шахсий таркиб билан ишлаш органларининг анжумани ўз ишини бошлаяпти. Унда баъзи бир хулосаларнинг жамланиши, мавжуд муаммоларнинг муҳокама қилиниши, ҳарбий интизомни мустаҳкамлаш ҳамда тарбиявий ишлар форма ва услубларини яна-да такомиллаштириш бўйича тавсияномаларнинг тайёрланиши муқаррар.

Телефон орқали бир нечта ҳарбий гарнизонлар билан алоқа боғлаб, ушбу анжуманда фикр юритилиши аниқ бўлган айрим мавзуларни белгилаб (билиб) олишга мушарраф бўлдик:

Подполковник А. ҚОДИРГАЛИЕВ, Чирчиқ гарнизони:

— Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари, чегара ва ички қўшинларида ҳарбий интизомни мустаҳкамлаш ҳамда тарбиявий ишларни такомиллаштириш ҳақида» ги Қарорида биз — командирларнинг шахсий таркиб билан ишлаш бўйича ўринбосарларининг статуси (ҳақ-ҳуқуқлари) белгилаб берилган. Унга кўра анча ҳуқуқларга эгамиз. Хўш, биз улардан қандай фойдаланаяпмиз?

Гапни кўп чўзиб ўтирмасдан, маҳаллий ҳокимият органлари, фахрийлар Кенгашлари ва «афғонлар» билан узвий алоқа ўрнатишга эришганлигимиз ҳақидагина айтмоқчиман. Яқинда Буюк Ғалабанинг 48 йиллиги тантаналарини ҳамкорликда ташкил этдик. Унда район ҳокими ҳам қатнашиб, аскарлар ҳузурида бўлди. Табиийки, бундай алоқалардан кўзда тутилган мақсад — расмиятчилик эмас, балки шахсий таркибни ўз Ватанига, ўз халқига садоқатли бўлиш, она юрти тарихи ва анъаналарини чуқур ҳурлантиришга қаратилган ғамхўрликларга катта эътибор берила бошланди.

Ҳозирда согломлаштириш мавсуми бошланаяпти. Биз ота-оналарга ўз фарзандларининг дам олишларини вақтлироқ ташкил этишлари учун имконият яратиб қарорларини, командирлар ва раҳбарлар буйруқларини сўзсиз бажариш руҳида тарбиялаш улар ҳарбий кийим кийишларидан анча олдин бошланади. Бу иш қанча барвақт бошланса, унинг натижаси (самараси) ҳам шунча сезиларли бўлади.

Полковник Ф. Магдеев бошқарманинг ва мудофаа ишлари бўлимларининг зобитлари билан биргаликда ўқувчи ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ишларини ташкил этади. Оммавий ахборот воситалари — радио, телевидение, вилоят ва районлар газеталари орқали Қуролли Кучларимиз қаҳрамонона анъаналарини тарғибот қилади. Умуман, унинг иш фаолиятида ўрнак олса арзигулик жиҳатлар кўп.

Подполковник А. КАРЕТНИКОВ, Фарғона гарнизони:

— Биз анжуманда Республикамиз халқ депутатларига мурожаатнома қабул қилиб, унда Низомга тўғри келмайдиган муносабатлар (хатти-ҳаракатлар), қисмдан ўзбошимчалик билан кетиб қолиш, ҳарбий хизматдан бош тортиш сингари ҳарбий жиноятлар учун жиноий жавобгарликни оширишни таклиф қилишимиз керак, деб ўйлайман.

Баъзи бир ноқобил ва интизомсиз ҳарбий хизматчиларнинг айрим ҳолларда ўзларининг жазосиз қолишларини сезиб қилган ножўя хатти-ҳаракатлари туфайли бўлинмалар жанговар тайёргарлигига путур етиши мумкин. Бунга эса асло йўл қўйиб бўлмайди.

Ҳа, фақат маъмурий чоралар кўриш ва жазолашни кучайтириш билан барча муаммоларни ҳал қилиш қийин. Бу масала комплекс ёндашувни ва мос равишдаги энг яхши воситаларни танлаб олишни талаб қилади. Ўйлайманки, интизомни мустаҳкамлаш бизнинг ишимиз асосий мавзусини ташкил этади.

Л. ИВАШОВА — ҳарбий хизматчилар оилалари ўртасида иш олиб бориш бўйича инструктор, Самарқанд гарнизони:

— Иш фаолиятим жараёнида командирнинг ҳам, унинг шахсий таркиб билан ишлаш бўйича ўринбосари полковник В. Добровольскийнинг ҳам доимий қўллаб-қувватлашларини ҳис қилиб тураман. Мен шахсий таркиб билан ишлаш бўлими тизими (структураси)га тааллуқли бўлганлигим учун тўла ишонч билан айта оламанки, ҳозирда фаолиятимизга бўлган ёндашув батамом ўзгача: халқ орасида қилинаётган аниқ ишларга, улар эҳтиёжларини қаноатлантиришга ҳаракат қилаяпмиз. Бу борада баъзи бир ишларни қилишга эришилди. Аслини олганда, зобитлар ва прапорщиклар ҳамда улар оилаларига кўрсатиладиган ғамхўрлик, якуний натижада аскарлар ва сержантларга нисбатан ғамхўрлик билан ифодаланади.

Полковник Ш. ҚАМБАРОВ, Наманган гарнизони:

— Вилоят мудофаа ишлари бошқармасида менинг шахсий таркиб билан ишлаш бўйича ўринбосарим лавозимида полковник Ф. Магдеев ишлаб келмоқда. Мен «ишлаб келмоқда» иборасини тўла ишонч билан қатъий айта оламан. Чунки у ишга сидқидилдан ёндашиб, ўз хизмат бурчини аъло даражада бажариб келмоқда. Аскарларни Ўзбекистон Республикаси Қонунлари талабларини, Президентимиз И. Каримов Фармонларини, Олий Кенгаш ва ҳукумат

ЖОНАЖОН ЎЗБЕКИСТОНИМИЗГА ХИЗМАТ ҚИЛАМИЗ!

КАТТА ШАРАФ

● Оддий аскар А. СУЯРҚУЛОВ

Ҳарбий хизматга чақирув қоғози келган кун ўзимни ниҳоятда бахтиёр сездим. Ўзгача бир ҳаяжонланиш бутун вужудимни қамраб олди.

— Кечагина ёш бола эдинг, мана бугун эр йигит бўлибсан, худога шукр, — дедилар дадам менга оқ фотиҳа берар эканлар, — Мустақил Ўзбекистонимизнинг тинчлиги ва осойишталигини қўриқлаш учун сени ҳам муносиб деб топганларидан беҳад фахрланаман. Азизжон ўғлим, она-Ватанинг билдирган бу катта ишончни виждонан хизматинг билан оқлагин!..

Ҳарбий хизматни бошлаб юборганимга бир ҳафтадан ошибди-ки, дадамнинг айтган гаплари ҳануз қулоғим остида жаранглайди. Шунинг учун ҳам биринчи кунданоқ намунавий аскар бўлишга ҳаракат қилаяпман. Бу борада менга ва мен қатори жуда кўп ёш аскарларга катта ёрдам бераётган қисм зобитлари-ю, сержантларига чин дилимдан ташаккур айтмоқчиман. Айниқса, сержант Дилшод Раҳмонов бизларга хизматдаги илк қийинчиликларни қандай қилиб енгиб ўтиш кераклиги, бунинг учун нималарга кўпроқ аҳамият беришимиз зарурлигини қунт билан ўргатмоқда.

Шу ўринда ҳарбий хизматдан олган илк сабоғимни ёш укаларимга айтиб ўтмоқчи эдим: укалар қимматли вақтингизни бекорга ўтказманглар. Имкони борича, спорт билан кўпроқ шуғулланинг. Мен ва менга ўхшаш ёш аскарларнинг ҳарбий хизматга тез кўникиб, ўз йигитлик бурчларини доимо аъло даражада бажаришга шай бўлишлари учун асосий омиллардан бири — жисмоний тайёргарликда, деб биламан. Мустақил она-юртимизни қўриқлаш катта шараф ва бахт эканлигини ҳеч қачон унутманг ва ўзингизни ҳар томонлама тайёрлаб боринг!

ХИЗМАТИМДАН МАМНУН БЎЛАДИЛАР

● Оддий аскар А. ОЧИЛОВ

Биз — ёш аскарларни ҳарбий хизматнинг биринчи куниданоқ қисм шарт-шароитлари билан таништириб чиқдилар. Аскарлар учун яратилган қулайликлар бизни жуда қувонтирди.

Сержантларимиз сафда юриш қоидаларини қунт билан ўргатаяптилар. Спорт бўйича турли машғулотлар ўтказилиб турилганлиги сафдошларим қатори менга ҳам кўтаринки кайфият бахш этаяпти. Масалан, турникда тортилиш, узоқ ва қисқа масофаларга югуриш, турли жисмоний машқларни бажариш, айниқса, қизиқарлидир. Энг муҳими — фойдали!

Бўлинмамиз зобиту сержантлари ёш аскарларга ҳақиқий аскар қандай бўлиши кераклигини изчиллик билан ўргатиб келмоқдалар.

Қисмимизда маданий ҳордиқ чиқаришимиз учун ҳамма шарт-шароитлар муҳайё. Шанба ва якшанба кунлари қизиқарли кинофильмлар намойиш этилади. Чунончи, яқинда намойиш этилган ҳинд кино усталари томонидан яратилган фильм барчага маъқул бўлди.

Хулоса қилиб айтганда, мен қисмимиздаги ёш аскарларга нисбатан оталарча ғамхўрликдан, устоз зобиту сержантларнинг сабоғу ўгитларидан, яратилган шарт-шароитлардан беҳад хурсандман. Эндиги ўз олдимда турган асосий вазифа — мен ҳам ўз хизматим билан уларни мамнун эта олишимда, деб биламан.

ҚУНГИЛДАГИДЕК ЎТАЯПТИ

● Оддий аскар Қ. АТОЕВ

Ҳарбий хизмат кўнглимдагидек ўтаяпти. Яхши аскар бўлиш учун жиддий тайёргарлик кўрганлигим сабаб, зобит ва сержантлар талабларини ҳеч бир қийинчиликсиз бажараяпман.

...Эрталаб барвақт туриб, турли гимнастика машқларидан сўнг уч километрлик масофага югурамиз. Эрталабки спорт машқлари тугагандан сўнг аскарлар мазза қилиб ювинадилар.

Сўнгра кўтаринки кайфият билан нонушта қиламиз. Ҳар куни уч маҳал овқатланамиз. Қисмимизнинг ўз магазини бор.

Взводимиз командири капитан Аҳмедов, унинг ўринбосари Рўзиев, бўлима бошлиғи сержант Муҳаммадиевлар биз — ёш аскарларга ҳар томонлама ўгит бериб келмоқдалар.

Турар жойимиз ниҳоятда яхши жиҳозланган. Дам олиш ва хат ёзиш учун алоҳида хоналар ажратилган. Ойнаи жаҳон орқали турли кўрсатувларни мароқ билан томоша қиламиз. Айниқса, Ўзбекистон янгиликларини изчиллик билан кузатиб борамиз.

Яқинда ҳарбий Қасамёд қабул қиламиз. Мустақил Ўзбекистонимиз Қуролли Кучларининг аскарлари олдида катта вазифалар турибди. Бу вазифаларни виждонан хизмат қилиб адо этишимизга ишончим комил.

ДОЛЗАРБ МАВЗУДА СУҲБАТ

УЛУҒ МАҚСАДЛАР ЙЎЛИДА

● Капитан Х. ЖУМАНАЗАРОВ,
«Ватанпарвар» мухбири

Улуғ она юртимиз — жонажон Ўзбекистонимиз ўз Мустақиллигига эришиб, сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш пиллапояларидан шахдам одимлаб бораётган экан, унинг равнақига ҳисса қўшиш мамлакатимизда истиқомат қилувчи ҳар бир фуқаронинг асосий вазифаси ва шарафли бурчидир.

Бу борада, яъни ёш авлодни соғлом, ақл-заковатли, жасур ва она-Ватанга садоқатли қилиб тарбиялашда мудофаа ишлари бошқарма ва бўлимлари, Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотлари, тиббий муассасалар, олий ва ўрта махсус ўқув юртлари, умумтаълим мактаблари жамоалари, фахрийлар Кенгашлари, маҳаллалар фаоллари кенг кўламли ишлар олиб боришмоқда. Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафларидаги барча генералу зобитларнинг, прапоршчиғу сержантларнинг ҳам асосий эътибори ана шу масалага қаратилгандир.

Айниқса, қисм ва бўлинмалар командирларининг шахсий таркиб билан ишлаш бўйича ўринбосарлари аскарларни, умуман бутун шахсий таркибни ҳар томонлама етук ва баркамол қилиб тарбиялаш йўлида тинмай меҳнат қилишмоқда, турли тадбирлар ишлаб чиқишмоқда. Мудофаа вазирлигимиз томонидан Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари, чегара ва ички қўшинлари шахсий таркиб билан ишлаш органлари анжуманининг ўтказилиши ҳам бу борада қилинаётган саъй-ҳаракатлар самарадорлигини оширишга қаратилганлиги, шубҳасиздир.

Мана шу кунларда ёшларни баҳорги мавсум армияга чақирув ишлари қизғин давом этмоқда. Шу ўринда ҳарбий хизматга чақирув тўғрисидаги вазирлар Маҳкамасининг Қарори ва Мудофаа вазиримизнинг буйруғига назар ташлайдиган бўлсак, уларда айнан соғлом йигитларнинг армияга олиниши айтилганлигининг гувоҳи бўламиз. Хўш, бу борада саломатлик посбонлари бўлмиш тиббиёт ходимлари қандай ишлар олиб боришмоқда?

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги армияга чақирилувчи ёшлар бошқармасининг етакчи мутахассиси, истеъдодли тиббий хизмат подполковники Искандар Раҳмоновга ана шу ва шунга ўхшаш саволлар билан мурожаат этганимизда, у қуйидагиларни гапириб берди:

— Мустақил Республикамиз Қуролли Кучлари сафларига соғлом йигитларни саралаб олиш борасида Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан қатор тадбирлар ишлаб чиқилди ва амалга оширилмоқда. Бу — ҳарбий хизматга чақирилувчиларни тиббий кўрикдан сифатли ўтказишни яна-да яхшилаш борасида қилинаётган ишларда. жумладан, ҳозирда олдинги йилларга нисбатан ҳарбий-тиббий комиссиялар фаолиятида талабчанлик ва масъулиятнинг сезиларли даражада ошганлигида яққол кўзга ташланади.

Бироқ, ҳарбий хизматга чақирилаётган йигитлар саломатликларида турли-туман ўткинчи — ёшга хос ўзгаришлардан тортиб, сурункали хасталиклар даражасигача бўлган ҳолатларнинг, айниқса организмда функционал бузилишлар (ортопедик хасталиклар — ясси оёқлик, умуртқа поғонасининг нотўғри ривожланиши, жинсий аъзолар ва нерв тизимларидаги баъзи нуқсонлар, шунингдек, нимжонлик, жисмонан заифлик аломатлари ва бошқалар)нинг аниқланиши бизни ташвишга солмоқда ва буларнинг олдини олиш чоралари кўрилмоқда.

Баъзан, ёш аскарларнинг асабий-руҳий ҳолатларида турли ўзгаришлар бўлиши кузатилади. Булар асосан ўсмирларнинг одатдаги уй шароитидан чиқиб, қатъий тартиб-интизомга асосланган армия кун тартибига тез кўникиб кета олмасликлари, дастлабки дуч келган баъзи қийинчиликлар олдида дарров ҳис-ҳаяжонга берилиб, довдираб қолишлари натижасида рўй беради. Бунинг олдини олиш учун ёшларни армияга боришдан олдин маънавий ва жисмоний томондан пухта тайёрлаш, ҳарбий ватанпарварлик ишларини янада жонлантириш лозим.

Яна бир муҳим сабаб — армияга чақирилувчи ёшларнинг ўқув ва иш жойларидан уларнинг хулқ-атворлари, юриш-туришлари, интилишлари, ҳарбий хизматга бўлган муносабатлари ҳақида берилган маълумотларнинг кўпинча «мендан кетгунча, эгасига етгунча» қабилида юзаки, асосан бир қолипда берилишидир. Чунки ҳар бир кишининг феъл-атвори, унинг ички олами, уни кўпдан бери кўриб яқиндан кузатиб юрган одамлар томонидан ҳаққоний баҳоланмас экан, бундай бефарқлик ва масъулиятсизликнинг оқибати яхшиликка олиб келмаслиги турган гап.

Баъзи ёшларимизнинг ҳарбий хизматдан бўйин товлаб юришлари, ёки уларнинг ўз қисм ва бўлинмаларидан берухсат кетиб қолишлари, умуман ақл бовар қилмайдиган ҳолдир. Бу — қанақаси, ахир? Бизнинг авлод-аждодларимиз ҳеч қачон қўрқоқ, қочоқ бўлишмаган-ку! Бизга бу ярамас иллат қайдан ёпишди?! Қани, ўша қочоқ йигитлардаги эркаклик ғурури?! Қизларимиз қандай қилиб, шундай иродасиз йигитлар билан турмуш қуришга рози бўлишаяпти?! Қани, бу ерда ота-оналар, маҳалла-қўй, жамоатчиликнинг таъсири?! Қани, ватанпарварлик, бурчга садоқат, мардлик, жасорат деган олий ва муқаддас туйғулар?!

Мустақил Давлат бўлган экамиз, ўзимизнинг миллий армиямиз, Қуролли Кучларимиз бор экан, Ватанимиз сарҳадларини, унинг тинчлиги ва осойишталигини, мудофаа қобилиятини кун сайин мустаҳкамлашимиз, мустақиллигимизни фақат сўзда эмас, амалда кўз қорачиғимиздек асрашимиз зарур! Она-Ватанга, эл-юртга ҳалол, беминнат хизмат қилиш, Ватанни қўриқлаш унинг сарҳадларида сергак туриш ҳар бир инсоннинг муқаддас бурчи эканлигини аниқ ва равшан билишимиз шарт!

Буюк саркарда Амир Темур бобомиз айтган эканлар: «Аскари қувватли мамлакат бой бўлур, бой мамлакатнинг аскари қувватли бўлур». Хўш, шундай экан, нега айрим қадди-қомати келишган, тўрт мучаси соғ йигитларимиз ҳарбий хизматга бормаслик учун турли баҳоналар излашади?! Бу ахир андишасизлик, ношукрлик эмасми?!

Шу ўринда очиғини айтганда, ёшларни ҳар томонлама—ҳам маънавий, ҳам жисмоний етук қилиб вояга етказиш борасида бугунги кунда олиб борилаётган ишларни тўм маънода қаноатланарли, деб бўлмайди. Назаримда, умумтаълим мактабларида ўсмирларнинг чақириққача тайёргарлик таълимини кескин ривожлантириш, мактаблардаги эски ҳужжат, расм ва кўргазмаларни миллий асосда, яъни Мустақил Республикамизда қабул қилинган Фармон ва Низомлар асосида маҳаллий шароитларимиздан келиб чиққан ҳолда, ҳаётий ва жонли қилиб қайта жиҳозлаш жоиз.

Шахсан мен ҳарбий таълим фани хонасининг миллий асосда жиҳозланишини қуйидагича бўлишини хоҳлардим: хонанинг кўзга кўринарли жойида халқимизнинг фахри ва ифтихори бўлмиш буюк саркарда — Амир Темурнинг салобатли сурати савлат тўкиб сурса; унинг ёнида эса Соҳибқироннинг ҳарбийлар ҳаётига таллуқли бирор ибратомуз сўзи, шунингдек, Ўзбекистон Конституциясининг Ватан мудофаасига тегишли моддасидан кўчирма, ўзбек тилида ёзилган ҳарбий Қасамёд ва давлатимиз Мадҳияси матни қўйилса; миллий байроғимиз ўз аксини топса.

Кейинги лавҳаларда мардлик, жасорат ҳақида ҳикоя қилувчи ранг-баранг кўринишлар билан бирга, Ўзбекистонимиз армиясининг асосий Низомлари ҳамда уларнинг асл моҳиятини кўрсатувчи ҳужжатлар, жанговар сафдаги ҳаётни акс эттирувчи расм, лавҳалар қўйилса.

Мирзо Улуғбек, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, генерал Собир Раҳимов, Файзулла Норхўжаев, Бурҳон Сирожиддинов, Қўчқор Турдиев, Сотиболди Топиболдиев, Самиг Абдуллаев, Боис Ҳамидов сингари ўзбек саркардалари ва қаҳрамонлари жасоратини, улар босиб ўтган жанговар йўлларни ҳам акс эттирилишини ҳам жуда хоҳлардим.

Бундан ташқари, жисмоний тарбия ва мудофаа машқлари асослари, айниқса унинг ҳозирги замон ва миллий турларига алоҳида эътибор берилишини истардим. Бу ишларда ҳар бир вилоят, шаҳар, туман мудофаа ишлари бошқарма ва бўлимлари ходимлари яқиндан ёрдам бериб, аввало ўзлари ўрнак кўрсатишлари даркор.

Биз бултур Қашқадарё вилоятининг Косон тумани мудофаа ишлари бўлимида бўлганимизда у ердаги деярли барча шиор ва плакатларнинг асосан собиқ СССР давлати дастури асосида жиҳозланганига аҳамият берган эдик. Миллий руҳ, ўша ерлик Улуғ Ватан уруши қатнашчилари, байналмилал жангчилар, ҳарбий қисмларда ўз аскарлик бурчларини аъло даражада адо этаётган йигитларимиз ҳақида эса маълумотлар деярли йўқ даражада эди.

Шаҳрисабз шаҳридаги Мирзо Бедил номли 3-ўрта мактабга борганимизда намунали спорт майдончасию, у ерда яратилган қулай шарт-шароитларни кўриб, ҳаммамиз қувондик. Афсуски, бундай шароитлар Республикамиздаги барча мактабларда ҳам яратилган эмас.

Жисмоний тарбия ва спорт қўмиталари ҳам жойларда спортнинг миллий, анъанавий турларини ривожлантириш ишига салмоқли ҳисса қўшишлари зарур. Бундай катта имкониятлар мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотларида ҳам талайгина. Бунга биз Самарқанд вилояти «Ватанпарвар» ташкилояти фаолияти билан яқиндан танишганимизда ҳам амин бўлдик.

Бу ерда ёшларни соғлом камол топтириш бўйича муайян тажрибалар тўпланган. У чиндан ҳам ватанпарвар ёшларни тарбияловчи мактабга айланган. Самарқанд шаҳар ўқув-техника базасидаги қатъий тартиб-интизом, юксак уюшқоқлик, ташаббускорлик бизда катта таассурот қолдирди.

1991 йилнинг ноябрь ойида собиқ ДОСААФнинг вориси бўлиб ташкил топган Самарқанд вилояти «Ватанпарвар» ташкилотида ҳозир ҳайдовчилик, электромеханиклик, радиотелеграфистлик каби бешта мутахассислик, шунингдек, ҳарбий спортнинг 12 хил тури бўйича мунтазам машғулотлар ўтказилмоқда. Бу касблар нафақат армия, балки халқ хўжалигимиз учун ҳам ниҳоятда зарурдир.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши раёсатининг Қарорига мувофиқ Олий Кенгаш ҳузурида армияга чақирув ёшигача бўлган ва чақирилувчи ёшларни соғлом камол топтириш бўйича идораларо мувофиқлаштириш Кенгаши ташкил қилинган эди. Мустақил жумҳуриятимизнинг муносиб фарзандларини тарбиялаб, вояга етказишни ўз олдига асосий мақсад қилиб қўйган бу Кенгашнинг фаол иш бошлаганига ҳам бир ярим йилдан ошди.

Шу фурсат ичида идоралар ҳамда вазирликлар ўртасида ўзаро келишган ҳолда Ҳамкорлик дастури ишлаб чиқилди. Барча шаҳар ва районларда мавсумий ҳамда йил бўйи фаолият кўрсатувчи спорт-соғломлаштириш лагерлари, мактабларда даволовчи жисмоний тарбия заллари, тир (нишонга отиш) хоналари ташкил этиш каби қатор тадбирлар ана шу Дастурда ўз ифодасини топган.

Кейинги икки-уч йил ичида Республикамизнинг деярли барча вилоят марказлари, шунингдек, Тошкент, Андижон, Шаҳрисабз, Оҳангарон, Қўқон, Марғилон, Жиззах шаҳарларида ўсмирлар поликлиникалари ва бўлимларининг ташкил қилинганлиги ҳам ушбу Дастурнинг амалий ижросидир.

Гапнинг сирасини айтганда, ёшларимизни Ватан, армия хизматига тайёрлаш, уларни ҳарбий-ватанпарварлик, бурчга садоқат, байналмилал дўстлик руҳида тарбиялаш Соғлиқни сақлаш, Халқ таълими вазирликлари, Жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси, «Ватанпарвар» ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари, маҳалла-қўй фаоллари олдида турган долзарб вазифадир. Президентимиз Фармонига мувофиқ «Соғлом авлод учун» орденининг таъсис этилиши эса, бу соҳадаги барча куч ва имкониятларимизни бирлаштириб, фаол ҳаракат қилишимизни тақозо этади.

Зеро, ёшлар қанчалик соғлом, бақувват, баркамол ва етук бўлса, Ватанимиз шунчалик қудратли ва бой бўлади. Шунинг учун ҳам барчамиз биргаликда бу улуғ мақсадлар йўлида ҳаракат қилмоғимиз, соғлом авлодни тарбиялаб, вояга етказмоғимиз лозим.

СЛОВО — УЧАСТНИКУ СЕМИНАР-СОВЕЩАНИЯ

КОЛЛЕКТИВ ДОБРОГО ИМЕНИ

Воинский коллектив. Как происходит его сплочение? Как ребятам, пришедшим «с гражданки», ершистым и самолюбивым, воспитать в себе исполнительность, научиться подчинять свои действия воле командира? Ведь именно эти качества должны лежать в основе поведения воина в любой обстановке и при любых, даже самых трудных, условиях, будь то учебное занятие, работа или служба в карауле.

Сложная политическая и экономическая обстановка в СНГ, ошибки и просчеты в подготовке юношей к службе оказывает негативное влияние на молодых людей. В их психологии происходят определенные изменения, которые влияют на отношение к командирам и начальникам, на профессиональную подготовку. Поэтому так важно сегодня наряду с необходимостью повышения престижа воинской службы каждому курсанту внушить, что беспрекословное выполнение воинского и патриотического долга, воспитание в себе эмоционально - волевых качеств является неотъемлемым условием формирования его как бойца, защитника народа.

Заместитель командира батальона по работе с личным составом майор А. Богма:

— События последних лет, происходящие в республике и на территории всего Содружества, действительно не могли не отразиться на молодежи. Не только хорошие, но и, к сожалению, плохие стороны жизни оставили след в их душе. Поэтому, считаю, главная задача, стоящая перед офицерами нашего батальона, — разобраться в людях, в тех, кто решил связать свою жизнь с армией.

Особое значение в данном случае имеют моральные, человеческие качества каждого курсанта, ведь он — будущий воспитатель, а работа с людьми, как известно, требует особого подхода.

Избавиться от случайных людей легко. Главное — не допустить ошибки, потому что в каждом случае, возможно, решается судьба человека. Поэтому так важно поближе познакомиться с курсантами, узнать их мысли, склонности, стремления. И если обнаружится действительное желание учиться, то мы всегда рады помочь, подсказать, объяснить.

Опыт показывает, что нередко молодые ребята поступают в военное училище только по настоянию родителей. Те в свою очередь, стремясь уберечь сына от дурного влияния улицы, предпочитают, чтобы он учился в ТВОКУ — в военно-учебном заведении доброго имени и находился под присмотром офицеров. Такие ребята нередко недисциплинированны, нарушают распорядок дня, отстают в учебе.

Например, один из курсантов через несколько месяцев обучения в училище убедился, что попал «не в ту среду». Физические нагрузки оказались для него непреодолимыми, да и капризным был. Леность, нежелание добросовестно трудиться, продолжать службу — все это привело к тому, что встал он на путь нарушения воинской дисциплины, за что и был вскоре отчислен...

Что и говорить, в любом коллективе встречаются разные люди, от этого никуда не денешься. Главное — на сегодняшний день в батальоне остались убежденные, дружные, верные своему выбору курсанты. Многие из них — дети военнослужащих, поэтому о будущей службе знают не понаслышке. Например, наманганец курсант У. Мадаминов — сын военного, учится хорошо, исполнительный, трудолюбивый. Старательны на занятиях, дисциплинированны и курсанты А. Юлдашев, Г. Маматмуминов, Б. Хамидов, Д. Чирков, командир отделения младший сержант О. Дмитриев и многие другие.

Рождение будущего офицера начинается с вещей на первый взгляд обыденных. День ото дня у курсантов формируется потребность подтянутости, чувство войскового товарищества, внутренняя собранность и дисциплина. Это первые, но необходимые шаги к воинской зрелости.

Не всё получалось сразу и у курсанта Ш. Эшамкулова. Но настойчивость, желание во что бы то ни стало овладеть навыками воинской службы не замедлили сказаться. Предельная собранность, аккуратность курсанта способствовали тому, что будучи часовым Шариф задержал на посту нарушителя. За образцовое несение караульной службы курсант Эшамкулов поощрен командованием.

Характерная черта узбекистанской молодежи — почитание старших, родителей. Думаю, офицерам нужно это использовать в воспитательной работе с личным составом. Тесная связь и взаимодействие с родными несомненно необходимы. В ближайшее время в батальоне планируется провести собрание, на которое будут приглашены родители курсантов.

Не скажу, что за истекший период удалось решить все проблемы. Но работа проделана большая, и коллектив в целом уже сформировался.

Записала **И. ДАНЧЕВСКАЯ.**

ОТ РЕДАКЦИИ. Приказом Министра обороны Республики Узбекистан от 1 июня с. г. за успешную организаторскую и воспитательную работу майору А. Богме присвоено воинское звание подполковник (досрочно) с назначением на вышестоящую должность.

Подполковник А. Богма — участник семинар-совещания органов по работе с личным составом Вооруженных Сил, пограничных и внутренних войск Республики Узбекистан.

БОЕВАЯ УЧЕБА

В эти дни у курсантов выпускного курса Чирчикского высшего танкового командно-инженерного училища горячая пора — выпускные экзамены.

Курсанты-выпускники сдают один экзамены и готовятся к другим, не менее ответственным. Своими прочными знаниями и твердыми практическими навыками они доказывают, что хорошо потрудились в стенах училища четыре года.

Четко, уверенно действовал на тактических занятиях курсант-выпускник М. Бекполов (на снимке). Действуя в должности командира взвода танковой разведки, он мастерски провел танковую колонну, своевременно определил местонахождение «противника», его боевой численный состав. Задача, поставленная старшим начальником, выполнена на «отлично».

Фото **В. БАГАЕВА.**

ОБЩЕСТВЕННО-ПОЛИТИЧЕСКАЯ ПОДГОТОВКА



Обучать и воспитывать молодых защитников Отечества — дело благородное и ответственное. Особая роль в решении этой жизненно важной задачи отводится офицерским кадрам, успех работы которых определяют идейная зрелость и нравственная чистота, профессиональное мастерство, деловитость.

Все эти качества характерны для заместителя командира учебного подразделения по работе с личным составом майора В. Третьякова. Особое внимание Вениамин Анатольевич уделяет воспитательной направленности каждого занятия по общественно - политической подготовке.

Фото **А. МАНТРОВА.**

...И ПЛЮС МЕТОДИКА

ЧУЖАЯ ДУША—ПОТЕМКИ?

● Полковник в отставке А. ХЛЫЗОВ

Воинская служба. Она воспитывает воина каждой минутой повседневной жизни, каждым занятием, каждым учебным боем — всем, с чем соприкасается в ней воин, подчас случайно, мимоходом. И все это, естественно, отражается в его мыслях, чувствах, поступках, отношении к людям. Помогать воину осмысливать воспитывающее воздействие воинской службы на него — в этом как раз и заключается организующая, воспитательная роль офицера.

Но чтобы воспитывать, надо знать воспитуемого. Это важнейшее правило воспитательной работы, подчеркнул в беседе со мной майор А. Султанов. И потому, чтобы составить наиболее полное представление об индивидуальных качествах подчиненного, офицер начинает изучать воина с познавательной беседы. В ходе службы воспитатель неоднократно встречается с воином и беседует с ним на различные темы. Это тоже важные и нужные беседы. Но познавательная беседа имеет особую ценность своей целенаправленностью, своим особым познавательным, изучающим характером. Говорят, чужая душа — потемки. Так вот, познавательная беседа как раз помогает воспитателю рассеять потемки и иметь о подчиненном четкую психолого-педагогическую картину.

Что составляет предмет познавательной беседы? Составляющих здесь очень много. Тут и семейное положение воина, и условия его жизни до армии, учеба или работа, как они влияли на формирование личности воина. Предмет особого внимания командира — трудовая и общественная деятельность подчиненного, отношение к службе, первые впечатления о ней в сравнении с теми понятиями, которые сформировались до призыва в армию. Понятия о дружбе, имеет ли друзей, что они из себя представляют. Чем увлекается воин, какой вид спорта ему по душе. Что читает, оценка прочитанного. Как оценивает свои собственные черты характера. И, наконец, состояние здоровья подчиненного.

Как видим, вопросов много, и ответы на них получить непросто. Для того чтобы узнать их, командиру нужно обладать высокими педагогическими навыками, чувством такта, умением вызвать подчиненного на откровенность и уметь самому открыть ему свою душу. Тогда беседа получится доверительной и настолько подробной, что на большинство вопросов будут получены исчерпывающие ответы.

Не могу не предостеречь, особенно молодых офицеров, от соблазна строить свою беседу методом «вопрос — ответ». В этом случае, понятно, вопросы могут быть поставлены все, какие офицер наметил. Только вот ответы на них будут очень далеки от истины. И уж ни в коем случае, убежден, нельзя задавать вопросы по бумажке, чтобы потом тут же записывать ответ солдата. Иначе это будет не беседа, а некий допрос.

Еще раз подчеркиваю, должна быть доверительная беседа двух сослуживцев, двух товарищей по оружию, каждый из которых в равной степени интересуется друг другом, воинской службой. Вопросы не ставятся в лоб, они сами естественно возникают, уточняются, конкретизируются. В беседе преобладает соучастие, сопереживание, желание помочь младшему, начинающему.

Вот, к примеру, какая запись появилась в рабочей тетради офицера после познавательной беседы с молодым воином: «Рядовой Турсунов Хашим, образование среднее. 1-й год службы.

Семья: родился в Андижанской области. Отец и мать — хлопкоробы. В семье — 8 человек, высок авторитет родителей. Родители к детям относятся с уважением, но требовательно. Просьба старшего непререкаема. Соседи—киргизы. Жили очень дружно.

Школа. Учился и окончил среднюю школу на хорошо и отлично. Русским языком владеет хорошо. Любимый предмет — история, особенно история Древнего Востока. Любимый праздник — Навруз. Коллектив класса был многонациональным, дружным.

После школы два месяца работал в колхозе. Постоянно пропадал на поле. Трудолюбив. О службе был наслышан: и плохое, и хорошее. Слышал рассказы о «дедовщине». Первые впечатления о службе самые хорошие. Есть понимание того, что независимость государства обеспечивается и боеспособной армией. С началом службы быстро сошелся с рядовыми Хамидовым и Султановым. Помогают друг другу в овладении тактикой. Отрицательной чертой своего характера считает вспыльчивость. Спортом занимается, при этом ни один из видов не выделяет. Общителен, откровенен, речь развита хорошо».

Из такой записи можно сделать достаточно точные практические выводы и работать над дальнейшим развитием положительных качеств воина.

Что позволило офицеру получить столь обширный материал в ходе одной беседы? Умение вести познавательную беседу, владение ее методикой, из которой следует выделить следующие требования.

Прежде всего — это тщательная подготовка к беседе. Смысл ее заключается в том, чтобы четко определить цель беседы и продумать ее основные вопросы. Очень важно также выбрать время и место проведения беседы. При этом воины психологически должны быть подготовлены к беседе — командир заранее объявляет, что с каждым из них будет беседовать. В ходе подготовки офицер обязан познакомиться со всеми документами воина, поступившими в подразделение. Они не только дают первое представление о воине, но и помогают организовать беседу, наводят на мысль, с чего начать ее, что выяснить, что уточнить.

Второе — непринужденность беседы. Здесь главное — вызвать доверие воина к себе, установить с ним психологический контакт. Значит, беседу надо начинать не с анкетных данных, а с так называемых попутных вопросов, с шутки, какого-то случая. Чтобы снять психологическое напряжение и постепенно перейти к сути, начиная с разговора о семье, родных, близких, о том, что они пишут воину. Разговор должен быть благожелательным, душевным, простым.

Третье — творческий характер беседы. Намеченные ранее вопросы—лишь канва. В ходе беседы офицер следит за реакцией воина и, уточняя вопросы, как бы подводит подчиненного к непринужденному разговору. Творчество офицера проявляется в самой методике беседы, в умении поставить вопросы и получить на них такие ответы, которые бы дали пищу для анализа личности воина, его психологических особенностей и помогли избрать верный путь в дальнейшей воспитательной работе.

Познавательная беседа имеет очень большое значение для изучения личности воина. Но нельзя забывать, что в ней как ни в каком другом методе изучения воина присутствует субъективный фактор. И с той и с другой стороны. Воин иногда непроизвольно преувеличивает свои достоинства или успехи в прошлом, дает субъективную оценку своей семье, друзьям и т. п. В то же время и офицер может ошибиться в оценке подчиненного на основе данных, полученных от него, или не совсем точного восприятия какой-либо из его оценок. Поэтому познавательная беседа — это лишь первый этап знакомства с воином и его изучения.

Проверить полученные данные можно только в ходе дальнейшей службы, обращаясь к другим методам и, в частности, к методу психолого-педагогического наблюдения. Но это — предмет отдельного разговора.

В ПОМОЩЬ ИЗУЧАЮЩИМ УЗБЕКСКИЙ ЯЗЫК

КУТУБХОНАДА	В БИБЛИОТЕКЕ
Мени ўзбек классик ёзувчиларининг асарлари қизиқтиради.	Меня интересуют произведения классиков узбекской литературы
Менга сўнгги вақтда чиққан романларни (шеърлар тўпламини) кўрсатсангиз.	Покажите, пожалуйста, изданные в последнее время романы (сборники стихов)
Менга ёш шоирлар шеърий тўпламларини берсангиз.	Дайте мне сборники стихов молодых поэтов
Бизни фалсафага (иқтисодиётга, тилшуносликка, бадиий адабиётга) оид китоблар қизиқтиради.	Нас интересуют книги по философии (экономике, языкознанию, литературе)
Уйга китоб бериладими?	Книги на дом выдаются?
Китоблар қанча муддатга берилади?	На какой срок выдаются книги?
Бу китобни бир неча кунга бериб турсангиз.	Разрешите взять эту книгу на несколько дней
Ҳикоя.	Рассказ
Эртак.	Сказка
Шеър.	Стихотворение
ГАЗЕТА, ЖУРНАЛ ВА КИТОБЛАР	**ГАЗЕТЫ, ЖУРНАЛЫ И КНИГИ**
Шу яқин ўртада киоска борми?	Есть ли поблизости киоск?
Мен бугунги газеталардан олмоқчи эдим.	Я хотел(а) бы купить сегодняшние газеты
Мен «Гулистон» журналига ёзилмоқчиман (обуна бўлмоқчиман).	Я хочу подписаться на журнал «Гулистан»
Бир йиллик (ярим йиллик) обуна нархи қанча бўлади?	Сколько стоит годовая (полугодовая) подписка?
Бош мақола.	Передовая статья
КИТОБ МАГАЗИНИДА	**В КНИЖНОМ МАГАЗИНЕ**
Менга сўнгги шеърлар тўпламидан бирини беринг.	Дайте мне один из последних сборников стихов
Сизларда таржима асарларидан нималар бор?	Что у вас есть из переводных произведений?
Сизда блокнот (ён дафтари) борми?	У вас есть блокнот (записная книжка)?
Менга битта қалам керак.	Мне нужен один карандаш
Авторучкани кўрсатинг.	Покажите авторучку
Бу акварель бўёқлар неча сўм туради?	Сколько стоят эти акварельные краски?
Менга суратлар қўйиладиган альбом керак.	Мне нужен альбом для фотографий
Сизда янги китоблар каталоги борми?	У вас есть каталог новых книг?
Менга мана бу китобларни ўраб беринг.	Заверните мне эти книги

ЎЗБЕКИСТОН ЯНГИЛИКЛАРИ

Иш билан таъминланмоқда

Андижон вилоятининг Булоқбоши туманида савдо шохобчаларидан бўшаб қолган эски дўкон бинолари таъмирланиб, тикув цехи ташкил этилди. Жўраполвон номидаги жамоа хўжалиги марказида фаолият бошлаган бу корхонада аёллар қўйлаклари, болалар уст-боши, чорвадор ва механизаторлар учун иш коржомалари, пахтакорлар учун этаклар тикилмоқда.

Кейинги бир ярим йил давомида Учтепа қишлоғида ҳар кеча-кундузда 3 тонна нон маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган замонавий цех, кунига 3 тонна донни қайта ишлаб, ун ва см қилиб берадиган тегирмон, Кулла қишлоғида эса кунига 1 тонна булочка ва ширинликлар тайёрловчи тармоқ қуриб ишга туширилди. Демак, ўнлаб қишлоқ ёшлари ишга жойланди.

Чала иморатлар

Рубль кундан-кунга қадрсизланаётган, қурилиш материалларининг нархи ҳафта сайин ўсаётган бугунги кунда ишни эртага қолдириб бўлмайди. Шаҳрисабздаги «Қашқадарётранс» бирлашмасига қарашли 46 квартирали турар жой биноси, Китоб шаҳридаги 220 ўринли, шу туман Зарафшон давлат хўжалигидаги 420 ўринли, Яккабоғ тумани Ҳисор Давлат хўжалигидаги 220 ўринли мактаб бинолари мана 3—4 йилдирки, битмай ётибди. Хўжалик раҳбарлари маблағ йўқлигини баҳона қилиб, қурилишга пул ажратмаяпти. Чала бинолар ёғингарчилик, қаровсизлик оқибатида хароб аҳволга тушмоқда. Бундан давлат ҳам, қурилиш ташкилоти ҳам зарар кўрмоқда.

Бу хўжасизликка қачон барҳам берилар экан?

Фабрикага асос солинди

Балиқчи туман саноат комбинати ишчи ва мутахассисларининг саъй-ҳаракатлари билан Ҳаққулобод қишлоғида бўлажак тўқувчилик фабрикасига асос солинди. Туман марказидаги 8 та икки қаватли уйда ҳозирча гилам ва шолча тўқиш, трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш цехлари ишга туширилди. Бу ерда 50 нафар қиз меҳнат қилмоқда, яна шунчаси эса меҳнат биржаси курсларида ўқимоқда. Улар курсларни битириб келгач, цехлар фаолияти янада кенгаяди.

Саҳнада ёш қизиқчилар

Андижонда ёш қизиқчиларнинг вилоят кўрик танлови бўлиб ўтди. Халқимиз асрлар давомида ардоқлаб келган қизиқчилик санъатини янада ривожлантириш мақсадида ўтказилган бу беллашувда оҳангаронлик ёш қизиқчи Сойибжон Мирзаев биринчи ўринни эгаллади. Иккинчи ўрин избосканлик қизиқчи Каримжон Халилов ва қўрғонтепалик Қудратилло Парпиевга насиб этди.

1993 ЙИЛ — АҲМАД ЯССАВИЙ ЙИЛИ

УЛКАН НАМОЯНДА

Маълумки, узоқ йиллардан бери улуғ аждодларимиз — етук қалам соҳиблари, уламою мутафаккир, жаҳон миқёсида кенг танилган олиму буюк саркардаларимиз ҳақида ёза олмадик, улар ўгитларидан бебаҳра бўлиб келдик. Шукрки, Мустақиллигимиз шарофати билан аждодларимизни кашф эта бошладик.

Ана шундай буюк инсонлардан бири — Аҳмад Яссавийдир. Бир пайтлар бизга диний-мистик шоир, деб нотўғри талқин қилинган бобокалонимиз ижоди билан бугун танишиш бахтига муяссар бўляпмиз. Унинг олтинга тенг ҳикматларидан баҳра олаяпмиз. Жорий йил — Аҳмад Яссавий йили, деб эълон қилинди. Бобокалонимиз ҳаёти ва ижодига бағишланган адабий-бадиий, илмий анжуманлар ўтказилмоқда.

Хўш, Аҳмад Яссавий қачон ва қандай муҳитда яшаб, ижод қилди? У ўз ижоди орқали қандай ғояни илгари сурди? Қўйидаги мақоламиз ана шулар ҳақида. Ўйлаймизки, ижтимоий-сиёсий ўқув раҳбарлари буларни билиб қўйишса ва шахсий таркиб билан ўтказиладиган ўқув машғулотларида улардан фойдаланишса, фойдадан ҳоли бўлмайди.

XII асрда яшаб, мураккаб ижтимоий-тарихий даврнинг фарзанди сифатида ижод қилган ўзбек классик адабиётининг улкан намояндаларидан бири Аҳмад Яссавийнинг туғилган йили аниқ маълум эмас. Лекин илмий адабиётларда вафоти 1166—1167 йиллар деб кўрсатилади. У Сайрамда таваллуд топган. Кейинчалик шоир туғилган ерини «ул муборак Туркистондин», деб таърифлаган. Отаси Шайх Иброҳимдан етти ёшида етим қолган. Илк таҳсилни Яссида машҳур турк машойихи Арслонбобдан олган. Бу ҳақида ҳикматларда маълумотлар берилган. Арслонбоб вафотидан сўнг, у таҳсилни Бухорода Юсуф Ҳамадоний қўлида давом эттирган.

